

---

## Ёлғон хабар бериб жиноят содир этган аёл.

Сатторова Одина (*ўзгартирилган*) 2020 йил 19 август куни ИИБга ариза билан мурожаат қилиб таниши Долимова Гавхар (*ўзгартирилган*) номидаги “Malibu” русумли бўлган автомашинани муддатли тўлов асосида бошқа бир танишига сотилганидан хабари бўлган ҳолда, автомашинани яшаш хонадони олдида қаровсиз қолдиргани учун номаълум шахс томонидан ўғирлаб кетилганлигини кўрсатиб, ёлғон хабар берган.

Судланувчи Сатторова Одина (*ўзгартирилган*) юқоридаги ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 237-моддаси 2-қисми “г” бандида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Суд, судланувчининг қилмишига тўлиқ иқрор ва унга чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, оилавий шароитини, аёллигини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб жазо тайинлади.

Хулоса қилиб айтиш керакки, инсон табиатида яхши сифатлар билан ёмон сифатлар ёнма-ёндир. Ақлли инсонлар яхши сифатларини асраб, камолга етказди, ёмон сифатларнинг зарарини билиб, улардан халос ва саломат булади. Ёлғончилик эса энг ёмон қусурлардан бири. Ёлғончилик ўғрилиқдир. Ўғри молингизни ўғирласа, ёлғончи ақлингизни ўғирлайди. Баъзилар фойда кўриш ё зарарни даф қилиш учун ёлғон сўзлайди. Ёлғон сўзлаб, фойда кўрмоқчи ё балодан қутулмоқчи бўлади.

С.Исроилов

Жиноят ишлари

бўйича Қува тумани судининг судья ёрдамчиси

2021-08-20 11:10:29